



ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2004 йил 13 октябрь, чоршанба

№ 82 (11.677)

Эркин нархда сотилади

Қашқадарё вилояти пахтакорларига

Авваламбор, сиз азизларни — Қашқадарё воҳасининг миришкор деҳқонларини, уста пахтакорларини, барча вилоят аҳлини 410 минг тонналик улкан хирмон бунёд этиб, юксак меҳнат зафарини қўлга киритганингиз билан санимий қўтайман.

Вилоят пахта тайёрлаш бўйича шартномавий режани мамлакатимизда биринчи бўлиб адо этгани замирида биринчи галда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида кечани кеча, кундузни кундуз демай, ишнинг қўзини билиб фидокорона меҳнат қилаётган минг-минглаб оддий деҳқонларнинг азму шижоати мужассам эканини эричимиз тан олаемиз. Бу йилги режаларни ва шартнома мажбуриятини биринчилар қаторида адо этган туманлар, ўнлаб ширкат ва фермер ҳўжалиқларининг Қашқадарё воҳасининг илғор деҳқончилик салоҳиятига, обрў-этиборига муносиб ҳисса қўшганларини алоҳида таъкидлашни истардим.

Мавсум қийинчиликларини енгиш, воҳанинг мураккаб иқлим шароитида мўл ҳосил етиштиришнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бугунги эришган улкан галабангиз билан эл-юртига салоқатли, саховатли ерини қадрлайдиган, кўпни кўрган, тажрибали фермер ва пудратчилар, азамат деҳқонлар қандай мўъжизалар яратишга қодир эканини яна бир бор исботлаб бердингиз.

Айниқса, адолат тамойиллари ўз аксини ва ер ўз эгасини топаётгани, меҳнатга муносабат ўзгараётгани, бу эса ўз навбатида юксак самардорлик ва моддий фаровонлик негизига айланиб бораётгани — буларнинг барчаси бугунги қишлоқ ҳаётида бўлаётган кескин ўзгаришлар ва ислохотларнинг изчиллик билан амалга оширилаётганининг далолатидир.

Мен қашқадарёликларнинг мардлиги, қийинчиликларда тоблангани, ор-номуслилигини, сўзида қатъий туриш, юртидан фахрланиш фазилатларини ўз тажрибамдан яхши биланман ва юксак қадрлайман.

Она юртимизни эъзозлаш ва улуғлашда, фаровон ва обод келажакимизни барпо этишда, олимизда турган барча соҳаларда улкан вазифаларни рўёбга чиқаришда, ишонаман, Қашқадарё эли доим илғорлар сафида бўлади.

Барчангизни катта меҳнат зафари билан яна бир бор қўтлар эканман, хонадонларингизга файзу барака, ҳаётингизда эса доимо бахт ва омад ёр бўлишини тилайман.

Қўлларингиз дард кўрмасин, иқболингиз хирмонларингиз каби сарбаланд бўлсин, қадрлонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Маънавият маскани иш бошлади

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасида янги маънавият маскани очилди.

Салкам беш юз ўринга мўлжалланган бу даргоҳнинг очилишида мазкур бош бошқарма бошлиғи Ф. Қодиров унда ташкил этиладиган тадбирлар миллияни ходимлари фаолиятида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Замон талаби даражасида безатилган маскан компьютер ва телекоммуникация воситалари билан жиҳозланган. Унда ўтказилган илк ўқув машғулотининг натижаларида катта таассурот қолдирди.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

«Филипп»нинг кўмаги

Тошкентдаги Республика Шойлининг тиббий ёрдам марказига «Филипп» компаниясининг «Гезель» русумли автомашина ва тиббий асбоб-ускуналардан иборат жами 25 минг АҚШ доллари миқдоридаги бегараз ёрдами топширилди.

«Филипп» тиббиёт тизими компанияси ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида 2002 йилда махсус дастур ишлаб чиқилди. — деди компаниянинг вице-президенти Диетер Хоффман. — Унга кўра, Ўзбекистон тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган мутахассислар ўқитилади. Утган вақт мобайнида Ўзбекистондаги 60 дан зиёд тиббиёт муассасаларида ўқув семинарлари ташкил этилди. Уларда савқис мингдан ортиқ тиббиёт мутахассислари иштирок этди.

«Туркистон-пресс».

Маслаҳатчилар семинари

Зангиота туман ҳокимлигида маҳалла кўмиталари диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ўқув-машғулотлари бўлиб ўтди.

Унда «Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш», «Аёл, оила ва жамият», «Ешлар билан ишлаш» каби мавзулар атрофида урганилиб, маслаҳатчиларга турли қўлланмалар тарқатилди.

Машғулот сўнггида жойларда амалга оширилаётган ишлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, режалар белгиланди.

Камол ГАЙРАТОВ.

Пахта — 2004

Теримни кучайтириш чоралари белгиланди

Вилоят пахта штабининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят прокуратураси, ички ишлар ва адлия бошқармалари, «Кучлик» ва «Пахта» нефть маҳсулотлари унитар корхоналари, қишлоқ ва сув ҳўжалиги мажмуида кирувчи бошқарма ва ташкилотларнинг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари иштирок этди.

Йиғилишида вилоят ҳокими Қозим Тўлаганов бошқарди.

Штаб аъзолари пахта йиғим-теримининг бориши ва 2005 йил ҳосили учун кузги галла экиннинг аҳоли масалалари юзасидан туман ҳокимларининг ахборотларини тинглаб, муҳокама қилдилар.

Бугунги кунгача вилоятда шартнома режасининг 70 фоизидан зиёд миқдорида пахта тайёрланди. Теримда қарийб 210 минг киши ва 200 тага яқин машина иштирок этмоқда. Ҳозиргача 20 га яқин ширкат ҳўжалиги, 400 дан зиёд фермер ҳўжалиги давлатга пахта сотиш режасини бажарди.

Бирок айрим туманларда мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаётгани оқибатида теримда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Хусусан, Бекобод ва Ўрта-чирик туманларида кунлик сурьат вилоят бўйича ўртача кўрсаткичдан анча паст.

Аксарият туманларда уюлмаган аҳолини теримга жалб этиш, улар учун зарур шарт-шароит яратиб беришда ташкилотчилик етишмапти.

Шунингдек, йиғилишда 2005 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экишда айрим туманларда белгиланган жадвалдан ортда қолишга йўл қўйлаётгани кўрсатиб ўтилди ва камчиликларни тезда бартараф этиш тадбирлари белгиланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.



Теннис бўйича халқаро аёллар турниридан лавҳа.

Чиноз тумани: Ҳосил мўл, хирмон залворли, даромад салмоқли

Чинозлик пахтакорларнинг бу йилги меҳнат ютуқлари ҳақида гапиришдан аввал ушбу туманда қатъий қарор топган бир ахши аънанани эслатиб ўтиш жоиз. 1997 йилни истисно қилганда, чинозликлар об-ҳаво қандой келишидан қатъи назар ҳар мавсумни ёруғ юз билан яку-

лайдилар. Жумладан, вилоятимизда пахтачилик учун гоят оғир келган 2003 йилда ҳам туман пахтакорлари ўз анъаналарига содиқ қолдилар. Энг олди туманлар 80 фоизнинг нари-берисда қолиб кетган пайтда чинозликлар шартнома режасини вилоятда ягона бўлиб ортиги билан адо этдилар.



Туман меҳнат ахлининг бу йилги ютуғи янада янги қирралари билан намоян бўлди. Аввало, давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси тайёрлаш режаси энг қисқа муддат — 25 иш кунига бажарилди. Бундай сурьатга эришиш учун биринчидан, далаларда мўл ҳосил етиштириш олиш керак. Иккинчидан, туман шаъни учун ҳамма бир-

дек жон куйдириб, йиғим-теримда фаол ва уюшқоқлик билан иштирок этиши лозим. Туманда ана шу икки муҳим шарт муваффақият билан ўринлатилди. Беистисно, барча ҳўжалиқларда ғўза парварлиши аниқ агротехник талаблар асосида олиб борилди ва шартнома режасини анча ортиги билан қоплайдиган дара-

(Давоми 2-бетда).

Ирода кучли теннисчини енгди


Пойтахтимиздаги Тошкент теннис марказида WTA Tour туркумига кирувчи «Тошкент опен» аёллар анъанавий халқаро теннис турнири давом этмоқда.

Биринчи давранинг энг кескин, мурасисиз ва қизиқарли учрашуви ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова ҳамда турнирнинг биринчи рақамли ракеткачиси франциялик Марион Бартоли ўртасида кечди. Ўзбек теннисчиси Ирода Тўлаганова узок даволанишдан сўнг эндигина кортга қайтган бўлса-да, маҳорат ва тажриба бобид рақибасидан устун эканини исботлади. Иро-

да М. Бартоли устидан 6:4, 6:4 ҳисобида зафар кучиб, кейинги босқичга йўлланма олди.

М. Бартолидан фарқли ўлароқ, иккинчи рақамда сараланган америкалик Меган Шагнети ўз рақибаси устидан осон ҳисобда еришди. Япониядан келган Рйюко Фуада АҚШ вакиласига 2:6, 2:6 ҳисобида имко-

(Давоми 4-бетда).



Марказий банкда очик мулоқот

Марказий банкда мамлакатимиз Президентининг кичик бизнеси молиявий қўллаб-қувватлашга доир фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Марказий банк меъёрий ҳужжатларининг ижросига бағишланган очик мулоқот бўлиб ўтди.

ётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишлаб шу йилнинг 7 февралда ўтказилган йиғилишида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратгани ҳам бежиз эмас.

Мулоқотда мамлакатимизда тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектлари учун ҳар томонлама қўлай инвестицион муҳит яратиб берилган, тадбиркорлар билан тижорат банклари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатилгани таъкидланди.

Очик мулоқотда сўз олган

ҳаёти

Янгибозор ғалтаклари

Юқоричирик туманида яна бир қўшма корхона иш бошлади. Бу ерда пахта толасини ўраш учун ғалтаклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Туманда йил бошидан буюн хориж сармоiasi қўшилган 15 та корхона барпо этилди. Уларнинг 9 таси оёққа туриб, фойда ола бошлади. Айни пайтда хусусий корхоналар ҳам кўпайиб бормоқда. Бир йилда уларнинг миқдори 67 тага кўпайиб, бугун 310 тага етди. Агар туманда илгаридан ишлаб келаётган бошқа катта-кичик хилма-хил ишлаб чиқаришлар ҳам ҳисобга олинса, бугун туман корхоналари 1400 тадан ошди. Бу туманда йил сайин ишчи ўринлари кўпайиб бораётганини, унинг иқтисоди раванқ топаётганини кўрсатади.



Етмиш фоизни компьютерлашди

Вилоятнинг шаҳар ва туманларида алоқа тармоқларига компьютер тизими тобора қўқур сингиб бормоқда. Яқиндан бошлаб Ангрен шаҳри ва бошқа бир қатор қишлоқларда электрон почта ишга туширилди.

Назорат-ҳисоб фаолияти, шу жумладан пенсияларни тўлаш бутун вилоят бўйича компьютерлар ёрдамида автоматлаштириб чиқилди. Табиийки, бу кадрлар малакасига талабни кескин оширди. Шу боис деярли барча муолажалар қайта ўқувдан ўтказилди. Бугунги кунда «Тошкент почтаси» тизимидаги барча муолажаларнинг 70 фоиздан кўпроғи компьютерлар ёрдамида бажариляпти.

Ўз мухбиримиз.

ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида

74-Бўстонлик сайлов округи

(Маркази — Ғазалкент шаҳри, Бўстонлик тумани маданият саройи биноси) Бўстонлик тумани, Чирчиқ шаҳрининг Ёшлик, Мир Алишер, Камолот, Ҳамза, Маърифат, Ҳаёт гули, Дўстлик, Шарқ, Гузал, Ғалаба, Бахт маҳаллалари чегараларида (106,7).

75-Зангиота сайлов округи

(Маркази — Эшонгузар кўрғони, Зангиота тумани маданият уйи биноси) Зангиота тумани, Тошкент туманининг Кўксарой, Қизғалдоқ, Масалбой қишлоқлари чегараларида (119,2).

76-Олмалик сайлов округи

(Маркази — Олмалик шаҳри, Кимёгарлар маданият саройи биноси) Олмалик шаҳри, Пскент тумани чегараларида (120,9).

77-Паркент сайлов округи

(Маркази — Паркент шаҳри, Паркент тумани маданият уйи биноси)

Паркент тумани, Юкори-чирчиқ туманининг Янгибозор кўрғони, Арғанчи, Тинчлик, Оқовул, Суранкент, Жамбул, Наврўз, Истиқлол, Бордонкўл қишлоқлари чегараларида (127,9).

78-Тўйтепа сайлов округи

(Маркази — Ўртачирчиқ туманидаги Тўйтепа ижтимоий-иқтисодий касб-хунара коллежи биноси) Ўртачирчиқ туманининг Тўйтепа шаҳри, Оқота, Ўртачирчиқ, Ўйинчиқалы, Пахтакор, Корасув, Навоий, Янгитурмуш, Дўстлик, Тўйбўғиз, Янгиҳаёт, Истиқлол, Ангор, Ўйинчиқ қишлоқлари, Охангарон шаҳри, Охангарон туманининг Дўстлик, Озодлик,

Қорахитой қишлоқлари чегараларида (130,2).

79-Чиноз сайлов округи

(Маркази — Чиноз шаҳри, Чиноз тумани электр тармоқлари корхонаси биноси) Чиноз тумани, Куйичирчиқ тумани чегараларида (127,6).

80-Чирчиқ сайлов округи

(Маркази — Чирчиқ шаҳри, Кимёгарлар маданият саройи биноси) Чирчиқ шаҳрининг Х. Максудов, Улуғбек, В. Ҳайдаров, Гулистон, Иқбол, Умид, Мурувват, Навбахор, Гулзор, Мирзағалиб, Нур, Бобур, Истиклол, Ишонч, Хумо, Чинор, Семурғ, Адолат, Шодлик, Кимёгар, А. Темура, Юлдуз, Қуёш, Лола, Ифтихор, Бирлик, Камалак, Тинчлик, Баҳор, Маданият, Наврўз ва Кабута маҳаллалари, Қибрай туманининг Қибрай шаҳарчаси, Байтўғрон, Оққовок, Мой, Чинобод, Қипчоқ қишлоқлари чегараларида (106,9).

81-Кибрай сайлов округи

(Маркази — Тошкент Давлат аграр университети биноси)

Кибрай туманининг Сапар шаҳарчаси, Ўнқўрғон, Ёнарик, Мақбулов, Янгибод, Тузель қишлоқлари, Тошкент туманининг Келес шаҳри, Кўктерак, Чувалачи, Ҳасанбой, Юнусобод, Гулистон, Чоштепа қишлоқлари, Юкори-чирчиқ туманининг Саксонота қишлоғи чегараларида (109,0).

82-Янгийўл сайлов округи

(Маркази — Янгийўл туманидаги Гулбаҳор санат касб-хунара коллежи биноси) Янгийўл тумани, Янгийўл шаҳри чегараларида (123,4).

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов
комиссиясининг Раиси

Б. МУСТАФОВ.

Тошкент шаҳри.
2004 йил 8 октябрь.

Кулолчилик буюмлари намойиши

Ўзбекистон Амалий санъат музейида кулолчилик буюмлари кўргазмаси очилди. 20 октябрга қадар давом этадиган маъруз тадбирда бухоролик Абдувоҳид Каримов, риштонлик Азизбек Абдурахимов ҳамда гурумсарой кулолчилик мактаби (Наманган вилояти Поп тумани) давомчилиридан Ваҳобжон Буваев ижодига мансуб икки юзга яқин асар намойиш этилмоқда.



Бежирим ҳайкалча, сопол идишлар, гудон, қўза ва бошқа амалий санъат намуналари халқимизнинг турмуш тарзи, ота-боболарнинг бетабор анъаналарини тошқон кўз олдида жонлантиради.

— Аждодларимиздан ме-

рос кадрларини давом эттиришга Ғурумсарой кулолчилик мактабида етишиб чиққан озоғларимиз яратган асарлар нафақат мамлакатимиз, балки қўлаб хорижий давлатлардаги музейларда ҳам сақланаётган. — дейди наманганлик уста В. Буваев. — Кўргазмадан жой олган асарлар асосан ана шу анъаналарнинг давомчилири бўлган ёш авлод вакиллари томонидан яратилган билан ҳам эътиборлидир.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

• Партиялар ҳаётидан

Долзарб масалалар муҳокамаси


Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ижроия бюросининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Вилоят партия ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловларда иштироки ҳамда партиядан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига номзодлар курсатиш тартиби, Ўзбекис-

тон ХДП Бўжа туман кенгашининг «Меҳр ва мурувват йили» тадбирида иштироки ва партия ҳаётининг бошқа долзарб масалалари қўриб чиқилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон ХДП
Тошкент вилоят кенгаши
матбуот хизмати.



ранжомлаб олишни одат қилишган. Теримга асосан пудратчиларнинг оила аъзолари қидади. Қисман уюшмаган аҳоли ҳамда туман корхона, ташкилот ва муассасалари вакиллари уюшган ҳолда қўлашмоқда.

Мавсум қизгин паллага кирган кезларда қўл теримда кунга 17 мингдан зиёд киши фаол қатнашди. Пудратчилар кунга ўртача 100 килограмдан ошмириб, уюшмаган аҳоли ва туман ташкилотлари вакиллари 70 килограммга етказиб пахта тердилар. Бу вилоят бўйича энг юқори кўрсаткич. Бир неча кун давомида йиллик режанинг 5 фоизидан ошмириб пахта тайёрлашга эришилди. Қўл терими суръати юқсак даражада бўлгани бос теримда 12 та «Кейс» қўлдан теримдан асосан иккинчи теримда фойдаланилди.

Эрта қўлашдан то шу кунгача аниқ режа ва уюшқоқлик билан қилинган меҳнат қўлланганидан ҳам зиёд самара берди. Туман пахтакорлари қабул пунктларида 19880 тонна ўрнига 20.000 тоннадан зиёд хом ашё топшириб, шартнома режасини ортири билан бакардилар. Бу ютуққа беистисно барча ширкат ва фермер хўжаликлари муносиб ҳисса қўшилиши, Аниқлик. «Эшноробод» ширкат хўжалиги аъзоларининг улушини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Улар оладатидек, бу йил ҳам режани вилоятда биринчи бўлиб бакардилар. Вилоят хокими хўжалик бошқаруви раисига мукофот учун ажратилган «Матиз» энгил автомашинасининг қалитини топширди. Бунга жавобан хўжалик 1100 тонна ўрнига бугунгача 1600 тонна пахта топшириб, режани 145 фоизга етказди. «Дўстлик» ширкат хўжалиги ҳам шартномани 125 фоиздан ошмириб адо этди. Шунингдек, анчадан бери режага қўшимча ҳосил топшираётган С. Раҳимов номи ширкат хўжали-

(Давом. Боши 1-бетда).

Дўстлик фестивали

Республикамизда Жанубий Кореянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, Корея халқлари ёрдам жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида «Дўстлик» фестивали ўтказилмоқда. Мазкур фестивал доирасида Алишер Навоий номидаги опера ва балет академик катта театрида тадбир ўтказилди.

— Дўстлик фестивали доирасида ўтказилаётган маданий тадбирлар, кўргазмалар, кўрик-танловлар ва муслиқий кечалар ўзбек ва корей халқларини бир-бирларига яқинлаштирмоқда, — деди Кореянинг мамлакатимиздаги Факултетада ва мухтор элчиси Мун Хаён. — Фестиваль доирасида ўтказилган тадбирлардан ўзбек ва корей халқи маданий жиҳатдан бир-бирига жуда яқин эканлигига гувоҳ бўлди. Фестиваль кунлари ўзбекистонлик ёш мулкчалар усталари ўртасида танлов ўтказилди. Унда ғолиб бўлган икки нафар ёш расом ўн кун давомида Кореяда бўлишди.

Ўзбекистон Бадий академияси вакиллари томонидан «Дўстлик» фестивали иштирокчиларига сертификатлар ва эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, тадбирда ўзбек ва корей халқларининг миллий куй-қўшиқлари ижро этилди.

«Туркистон-пресс».

Чиноз тумани:

Ҳосил мўл, хирмон залворли, даромад салмоқли



ги туманининг умумий хирмони 1400 тонна, «Чиноз» хўжалиги 1300 тонна, «Гулзоро» хўжалиги 1300 тонна; Навоий номи хўжалик 1050 тонна, Т. Охунова номи хўжалик 1050 тонна пахтадан саноатчи улуш қўшди.

Фермер хўжаликлари бу йил таъбир жоиз бўлса, туман тарихида биринчи марта энг юқори натижага эришдилар. Мавжуд 370 та фермер хўжалиги шартномада белгиланган 5726 тонна ўрнига 6300 тонна пахта топшириб, режани 110 фоиз қилиб бакарди. Айрим фермер хўжаликлари ҳосилдорликда рекорд натижага эришди. Жумладан, Муқимий номи фермер хўжалиги 87 гектар майдондан ўртача 40 центнердан хирмон кўтарди. «Момик» фермер хўжалиги 50 гектар майдондан режадаги нисбатан икки баравар кўп ҳосил йиғиштириб олишга эришди. «Зарафшон» фермер хўжалиги ҳам пахта заводи билан тузилган шартномани 130 фоиздан ошмириб бакарди.

Бу йил йиғим-терим ишларини ташкил этишда мавсум қатнашчиларини моддий рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилди. Биринчидан, ҳар бешунликлар якунида теримчилар ҳақини нақд пул билан тўлаб боришда узоқлиқларга йўл қўйилмади. Бу нафақат қўл терими иштирокчилари, балки мавсумга жалб этилган ҳамма ходимларнинг манфаатдорлик

ва ишонч билан ишлашини таъминлади. Бундан ташқари, ҳар беш кунлик теримга яқун қикарилиб, энг юқори ўсишга эришганларга туман ҳокимлиги томонидан таъсис этилган қимматбахо совғалар тантанали суръатда топшириб борилади. Чунинчи, бешунлиқда биринчи ўринли эгаллаган хўжаликка телевизор, иккинчи ва учинчи ўринлар учун эса гилам ва магнитофон совға қилинди. Уюшмаган аҳоли вакиллари ҳамда туман ташкилотлари ҳам шундай тартибда мукофотланди. Шунингдек, шартнома режасини биринчи бўлиб бакарган хўжаликка рангли телевизор, иккинчисига телевизор ва учинчисига катта ўлчамдаги гилам тортиқ қилинди.

Ҳисоб-китоб қилиб кўрилса, мавсум иштирокчиларини рағбатлантириш учун катта маблағ сарфлангандак туюлиши мумкин. Аслида эса бундай эмас. Мукофот учун сарфланган ҳар бир сўм пировадда ўзини қоплагани қолмай, балки қўшимча даромад ҳам келтириши олдидан кўра билинди. Чунки, далада ҳосил мўл эди. У қанча тез йиғиб-териб олинса, умумий даромад ҳам шунча салмоқли бўлиши аниқ. Бунга дастлабки хомики ҳисоб-китоблар ҳам қўрсатиб турибди.

Масалан, хўжалик аъзоларидан ташқари маҳаллий аҳоли теримда фаол қатнашганини тўғайли биринчи теримнинг ўзидаёқ режа 94 фоизга етди.

6 фоизгина пахта иккинчи теримдан қўшилди. Шундай қилиб, қабул пунктларида етказиб берилган хом ашёнинг ҳаммаси юқори навага қабул қилинди. Демак, унга энг юқори нархда ҳақ тўланади. Қолаверса, уруғлик пахта ҳам мўймай даромад манбаи ҳисобланади. Чунки, у 1,5 баробар қиммат нархда харид қилинади. Чиноз эса вилоятда энг кўп уруғлик пахта етиштирилаётган туман ҳисобланади. Ҳозиргача режада 2000 тонна ўрнига 3041 тонна уруғлик пахта сотилди. Бу ҳам қўшимча 80 миллион сўм даромад дегани.

кўнларнинг кадрига етиб, иккинчи теримини ҳам тезроқ тугатиб, бор ҳосилни тезроқ саранжомлаб олса, марра бизники» дейишди улар.

Аслида ҳам шундай қилинган майл. Ваъда ўз йўлига. Фидойи, жонқур кишилар ўзини кўз-кўз қилиш эмас, балки даладаги ҳосил тақдирини ҳақида қайғуради ва улар, албатта, кам бўлишмайди.

Абдусамал
ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: «Кейс» оператори Мухаммадjon Қаймов (юқорида) «Чиноз» ширкат хўжалиги жамоаси ютуғига муносиб улуш қўшагиндан мамнун; хўжалик бошқаруви раиси Негмат Абдураббев (ўртада) «Кейс» операторлари Шухрат Саидхўжаев ва Раҳматилла Иброҳимов билан сўхбатда; пахта тозалаш заводи бош муҳандиси Нурмуҳаммад Тошматов ва цех мутахассиси Мухтор Умаров.

Даврон АХМАД олган суратлар.

• Бозор ва иқтисодиёт

Ҳозирги кунда «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси тизимида савдо ва умумий оқватланиш шаҳобчалари, тайёрлов идоралари, ишлаб чиқариш цехлари, бурдоқчилик хўжалигининг кенг тармоғи мавжуд. Сўнгги етти йил ичида тармоқда хорижий фирмалар иштирокида ҳалқ эътиёжи моллари ишлаб чиқарадиган 7 та қўшма корхона ташкил қилинди. Йилдан-йилга экспорт ва хорижий инвестициялар ҳажми ўсиб бормоқда.

«Ўзбекбирлашув» иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириб, қишлоқ аҳолисини истеъмол моллари билан таъминлашни яхшилаш, замонавий технологияларни амалиётга хўжалик эътиши, янги иш жараёнларини яратиш, экспорт ҳажминини ва хорижий ҳамкорлар билан алоқани кенгайтириш ишларини давом эттирмоқда. Бугунги кунда йилга 18,8 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари, жумладан, нон ва нон маҳсулотлари, макорон, қандолат, гўшт ва ноозикват маҳсулотлари, музқаймоқ, турли ичимликлар, куруқ мева ишлаб чиқарувчи 2044 та корхона ва цехлар фаолият кўрсатапти. Махсулот ҳажми ва тури қўлайлириқ, сифати яхшиланиб бормоқда.

Бунда асосий эътибор мева ва сабзавотларни қайта ишлашга қаратилмоқда. Масалан, томат пастаси ишлаб чиқариш ва экспортга жўнаштишга алоҳида эътибор берилмоқда. Новот, карамель сингари Шарқ ширинликлари хориж савдо уйларига жўнатилимоқда.

Яқин кунларда битойлик ҳамкорлар билан биргаликда Тошкент вилоятидаги «Матлуботчи» санаторийси базасида маъданли сув қўйиш билан шуғулланувчи қўшма корхона ишга туши-

рилади. Шу билан биргаликда «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси ва унинг ҳудудий компаниялари

ти юқори баҳоланапти. Аниқроғи улар таркибида қанд моддаси ва витаминлар кўплиги, хушқўлиғи билан бошқа мамлакатлар маҳсулотларидан устун туради.

Ҳар йили «Ўзбекбирлашув» тизимида 8 минг тонна гўшт тайёрланмоқда ва қайта ишланмоқда. Булар умумий оқватланиш муассасалари, қишлоқ мактаблари, болалар боғчаларини таъ-

инвесторларга қуйидаги имкониятлар яратилган:

- фаолият кўрсатаётган корхоналар базасида уларни қайта қуrollантириш, янги замонавий технологияларни жорий этиб, юқори сифатли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналар очиш;

- инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда хо-

Тақлилда гап кўп

қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, мева ва сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш ва сотиш, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш соҳасида катта ишларни амалга оширмоқда. У барча турдаги хом ашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилувчи йирик савдо-тайёрлов ташкилоти ҳисобланади. Бошқа тайёрлов ташкилотларидан фарқли ўлароқ, турли хилдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёларни тайёрлайди, қайта ишлайди ва хорижий мамлакатларга со-тади. Ҳозир йилга ўртача 1 миллион тоннага яқин сабзавот, мева, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилмоқда. Бу ерда тайёрланган маҳсулот экологик жиҳатдан тоза бўлиб, сифа-

минлашда фойдаланилапти ҳамда аҳолига сотилмоқда. Бироқ, тайёрлов соҳасини янада ривожлантириш, турли маҳсулотларни қузиқ-киши мавсумда сақлаш ҳамда қайта ишлашда замонавий ва тежамкор техноло-гияларга эътиёж сезилмоқда. Ҳозир тайёрлов соҳасида фойдаланилаётган асбоб-ускуналар ўз қуввати, тежамкор ишлаши бўйича давр талабига жавоб бермайд.

Ташкилот олдида турган яна бир муҳим вазифа қишлоқ жойларда бозор инфратузилмаларини яратишда энгил бошқарув тизимини шакллантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишда тезкор фаолият юритувчи бўлиналари бунёд этишдир. Бугунги кунда қўшма корхоналар ташкил қилиш учун хорижий


рижий шерикларнинг шахсий маблағлари жалб этиладиган ресурслардан фойдаланиш;

- инвестиция лойиҳаларини амалга ошириб, қўшма корхоналар ташкил этишда Ўзбекистон томони Низом фондида ўз улушини ишлаб чиқариш бинолари, иншоотлар ва коммуникация тармоқлари билан киришини инobatга олиб, хорижий шериклар ўз улушларини валюта маблағлари, лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларга маблағ ажратиш ва линиялар, асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан кириши мумкинлиги;

- қўшма корхоналарда ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотларнинг 50 фоиздан 80 фоизгача экспортга йўналтирилишида кўплаб

риш ишларини олиб боришга. Шу ҳудуддаги болалар боғчаси жамоанинг хайрия ишларидан баҳраманд бўлмоқда.

Ташкилот ҳудуди ҳам обод ва қўламанзор. Ҳар йили баҳорда экилаётган мевали ва манзарали дарахт кўчатлари гуриқариб ўсиб, мевага қирмоқда. Ҳибоблар ёқалаб экилган мавсумий гуллар барқ уриб кўкариб, гулзорлар ва майсозор майдонлар теварақ-атрофга фазл киритяпти. Жамият аъзолари мулк-



Пойтахтдаги Интерконтиненталь меҳмонхонасида Ўзбекистон Ехро Construction — биринчи халқаро қурилиш кўргазмаси ва конференцияси олдидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди.

Қурилиш кўргазмаси бошланди

Ушбу лойиҳа Zar Ехро миллий кўргазма компаниясининг ташаббуси ҳамда Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси, «Ўзқурилиш-материаллари» акциядорлик компанияси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳамкорлигида ўтказилмоқда. Кўргазмада 30 дан ортиқ компанияларнинг иштироки кўтилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, унда Бекобод шаҳрида фаолият юритувчи «Энур» ХСНТФ иштирок этади. У зўнинг мукаммал таъмирлаш ва шлакоблок, темир дарвоза ва бошқа шунга ўхшаш-қурилиш ашёлари, лак-бўёқ маҳсулотларини намойиш этади. Кўргазма 14 октябргача давом этади.

Хуришда НАЗАРОВА.

солиқ имтиёзларининг қўлланилиши;

- лойиҳада иштирок этувчи хорижий шериклар томонидан эркин сотишга мўлжалланган акциялар пакетини сотиб олиш йўли билан Низом жамғармасига улуш билан қатнашиш;

- ҳодимлар сони 100 нафардан ортиқ бўлмаган қўшма корхоналар бўйича амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда республикада фаолият кўрсатаётган халқаро банклар (Жаҳон банки, Европа тараққиёт ва тикланиш банки, Осиё тараққиёт ва тикланиш банки ва бошқалар) томонидан кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ажратилаётган 3 миллион АҚШ доллари миқдоридagi валюта кредитларидан унумли фойдаланиш ва бошқалар.

«Ўзбекбирлашув» республикада амалга оширилаётган ислохотлар талабига мос, бозор муносабатларига мосланувчан ташкилий тузилмага эга бўлмоғи лозим. Компания ташкилий тузилмаси қундалиқ ишларни тахлил этишга, ҳисоботлар беришга асосланмаган. Шунинг учун у стратегик максдаларни рўёбга чиқаришга йўналтирилган изчил ташкилий тузилмага эга бўлишга харақат қилиши зарур.

Аҳрол БАДАЛОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият
қурилиш академияси
қошидаги олий бизнес
мактабни тингловчиси.

ка бўлган эгалик ҳиссини чуқур англаган ҳолда ишда суръат ва сифатни оширишга интилишяпти. Бундан, аввало, ўзлари моддий манфаат кўрмоқдалар. Кейинги ойларида иш ҳақи ўртача 60-70 минг сўмини ташкил этмоқда.

Меҳнат ахлини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Ишчи-хизматчиларга ҳар байрамда мукофотлар бериб боришмоқда.

Мунаввара
ИСОҚУЛОВА.

«125-модда. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади. Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади».

Ҳозирги кунда жаҳонда юз бераётган туб ўзгаришларга қарамай, хавфсизлиқни таъминлашнинг ҳарбий жиҳати ҳали ҳам долзарб масала бўлиб қолмоқда. Марказий Осиё ва Ўзбекистонда ҳозирги кунда юзага келган мураккаб ҳалқаро аҳвол мамлакат мудофаа қобилияти, яъни унинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва маънавий куч-қудратининг ташқи таъжовуздан ҳимоялашига таъйиридорлиги даражасини мамлакатда хавфсизлиқни кафолатлаш, шунингдек, бутун минтақада барқарорлиқни таъминлаш бўйича энг муҳим шарт-шароитлар қаторига қўшади.

Мудофаа соҳасида норматив базанинг яратилиши 1991 йил 31 августда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинишидан бошланди ва унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги таъсис этилганлиги, эндиликда мустақил равишда мудо-

сига ўтказилди. Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти «республика Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони

бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурати туғилганда уруш ҳолати эълон қилади, қабул қилган — ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш ва ҳоказо. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари

зомлари асосида тартибга солинади. Ҳарбий қурилишни ташкил этиш ва Қуролли Кучларни қўллаш, мудофаа сиёсатининг принциплари «Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси»да белгиланган бўлиб, унда урушга тайёргарлик эмас, аксинча уруш ва ҳарбий таъжовузларнинг олдини олиш асосий стратегик йўналиш сифатида эътироф этилган.

Конституция 125-моддасининг 2-қисмида «Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади», дейилган. Шундай қилиб, давлат фаолиятининг ҳарбий қурилиш каби муҳим соҳасида қонуний (легитимлик) фуқаролик назоратига эришилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳалқчиллиги ва умумэътироф этган ҳалқаро ҳуқуқий нормаларга мувофиқлиги яна бир бор намоён бўлади.

Эргаш САЙТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлигининг ўринбосари, 2-даражали адлия маслаҳатчиси.

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ



фаа сиёсати юритилиши таъкидланди. Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 14 январда «Ўзбекистон Республикаси ҳудудда дислокация қилинган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари ҳақида»ги қарорининг қабул қилинишидан бошланди. Унга қўра, собиқ Иттифок Қуролли Кучларининг Ўзбекистон Республикасида аввал жойлаштирилган ҳарбий қисм, қўшимча, ҳарбий-ўқув юртлири, муассаса, ташкилот ва бошқа ҳарбий тузилмалари мустақил давлатимиз юрисдикция-

ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади; олий ҳарбий унвонларни беради» (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 16-банди). У «Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофиза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар қўради» (93-модданинг 2-банди). «Ўзбекистон Республикасида ҳужум қилинганда ёки таъжовуздан бир-

қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига қиратилади» (93-модданинг 17-банди).

Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги қонунни Қуролли Кучлар фаолиятининг қуйидаги принципларини белгилаб беради:

— қонуннинг устуворлиги;
— марказлашган бошқарув ва яқкабошчилик;
— доимий жанговар тайёргарлик ва сафарбарликка шайлик;
— ҳеч бир партияга мансуб бўлмаслик;

қуруқликдаги қўшинлар, ҳарбий-ҳаво кучлари, ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинлари, махсус қўшинлар, ҳарбий қурилиш-муҳандислик қўшилмалари ва миллий гвардиядан таркиб топади. Уларга кундалик раҳбарлик қилиш ва бошқаруви Мудофаа вазирлиги амалга оширади.

Қуролли Кучларни кадрлар билан тўлдириш Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунига биноан амалга оширилади. Қўшинларнинг кундалик ҳаёти ва ички тартиб-интизом Қуролли Кучларни-

Сифатли дефолиантлар

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти лабораториялари ва тажриба майдонларида амалга оширилаётган тадқиқотлар самараси ўлароқ қатор янги препаратлар юзага келди. «Ҳаёт», «Сихат» деб номланган дефолиантлар ҳам ижобий баҳоланди.

Ўза барглари бир текисда тўкиш имконини берадиган бу хил препаратлар четдан олиб келинаётган кимёвий моддалар ўрнини бемалол боса олади.

Илмий муассаса олимлари бу соҳадаги изланишларни давом эттириб, пахта далаларида ўзининг ҳар томонлама қўлай ва юқори сифатли эканлигини кўрсатган «Сардор», «Мезон» каби яна бир неча янги дефолиантлар яратилган муваффақ бўлдилар. Улар Давлат кимё комиссияси томонидан кишлоқ ҳўжалигида қўллаш мумкин бўлган препаратлар рўйхатига киритилди. Бу до-риллар ишлатилган дала-лардаги 90 фоиздан ортиқ қўсак ўз вақтида қийғос чиқарди.

Ақбар АЛИЕВ.

Ҳуқуқий билимларини бойитдилар

Мамлакатимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва имтиёзлари кенгайиб бораётгани боис уларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга эътибор кўчаймоқда. Чирчик шаҳрида бўлиб ўтган семинар ҳам шу масалага бағишланди. Унда республика «Бизнес адвокати» уюшмаси оқимлари тадбиркор аёлларнинг ҳуқуқлари, имтиёзлари, ишларида асосий аралаш-тишлардан муҳофиза қилиш ва бошқа жиҳатлар батафсил тушунтирилди. Тадбиркор аёллар ўзлари берган барча саволларга тегишли жавоблар олдилар.

Мансур МАҲМУДОВ.

Ноёб гуллар етиштирилади

«Аграр технологиялар» деб номланган ўзбекистон-швейцария қўша корхонаси ўзининг замонавий иссиқхонасига эга бўлди.



Тошкент давлат аграр университети ва Швейцариянинг Ўрта-Чирчик туманидаги ўқув ҳўжалигида бунёд этилган бу иссиқхона икки гектар майдонни эгаллаган. Унда сабзавот екинлари билан бирга ноёб гуллар етиштирилади. Бунинг учун Германиядан тўрт минг донга гўл қўчати олиб келинди. Келгуси йилнинг бошларида қийғос очилган гуллар четга экспорт қилинади. Бу табиат неъматидан швейцарияликлар ҳам баҳраманд бўлишад, албатта.

Қўша корхона жамоаси хайрли ишга ҳам қўл урди. Чирчидаги меҳрибонлик уйига иссиқхона қўриб берди. Унда томилиятиб сугориш тармоғи ҳам ишга тушди.

Бу билан тарбияланувчиларни кишин-ёзин янги сабабзавот ва қўқатлар билан таъминлаш имкони туғилди.

Мулоҳаза

Ер юзи аҳолисининг ҳаёт тарзи яхшила-нишида ижтимоий-иқтисодий омиллардан ташқари қўлай табиий муҳит, ранг-баранг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ўзаро муштарак мувозанатини сақлаб, ундан оқилона фойдаланиш муҳим мезон ҳисобланади. Шунинг учун инсоният ўз ривожланиш босқичларида қўлаб ёввойи ҳайвонларни хонақиллаштириб, қўлга ўр-

лашда қўриқхоналар, миллий боғлар, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар орқали айрим ноёб ўсимлик ва ҳайвонот турларини сақлаб, улар бутунлай йўқ бўлиб кетишдан асраб қўлимоқда. Бизнинг мустақил юртимиз сарҳадларида ҳам ер юзида тарқалган ўсимлик дунёсининг 4500 хил тури, ҳайвонот оламининг 20000 турига яқини сақлаб қолган. Бугунги кунга келиб уларнинг айримлари қамайиб, ҳатто, йўқ бўлиш хавфи туғилаётган ноёб турларга айланиб қолган. Вужудга келган вазиятнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби» ташкил этилган. Унинг юзага келиши инсонлар учун огоҳлантирувчи ва ҳушёрликка даъват этувчи табиат нидоси бўлиб, уни қалбимиз билан ҳис этган ҳолда амалий ишларга ундовчи даъват деб қабул қилишимиз лозим. Биринчи китобга 301 турдаги ўсимлик ва иккинчи китобга 164 турдаги ҳайвонот олами вакиллари киритилган.

Вилоятимиз ҳудудидаги табиий вазиятни талаб даражасида сақлаш мақсадида бир қанча ташкилий ишлар қаторида Бекобод тумани «Қолгансир» ҳудудидаги тўқайзорлар таркибида 1947 йилиёқ «Далварзин» ов ҳўжалиги ташкил этилган эди. Ўрта Осиё кирғовуллири ва шу манзилларга хос бўлган ҳайвон турларини сақлаб қолиш ва қўлайиришга мўлжалланган бу ҳўжалик-

нинг умумий майдони 21 минг гектар тўқайзор, кум барханлари, эски дарё ўзанидан ҳосил бўлган қўллар тизимидан иборат.

Қирғовуллар нега безовта?..

Ҳўжалик ҳудудида амалга оширилаётган тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Бунда шу ҳўжаликка узок йиллар раҳбарлик қилиб келаётган Сафар Бегма-товнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. 1998 йил ҳайвонларни рўйхатга олиш далолатно-масига асосан 2975 та кирғовул мавжуд бўлса, 2002 йилга келиб, 12000 бошга етган.

Лекин сўнгги йилларда ҳўжаликнинг иқтисодий муаммолари биринчи ўринга чиқиб, кишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқари-шига эътибор кўчайтирил-ди, ов ҳўжалигининг бош вазифаси бўлган ҳайвон-ларнинг қўлайириш ва му-ҳофиза қилиш тадбирлари-га эътибор сусайиб, шу соҳадаги қонун талаблари ва табиатни муҳофиза қилиш қўмитаси билан келишилган шартномалар бажарилмай қолмоқда. Сўнгги йилларда йўл қўй-лаётган камчиликлар оқибатида юзага келган нохуш манзараларга қўзи

вулларини сақлаб қолиш ва уларнинг сонини қўлай-тиришга даъват этилган ягона ҳўжалик ҳисоблана-ди. Яқинда ўтказилган қайта хатлаш чоғида бу ерда тахминан 12 мингта кирғовул, 50 та тўнғиз, 175 та чиябўри, 150 та тулки, 89 та қўён қолганлиги аниқланди.

Бу ҳўжаликда қайрағоч, ёввойи жийда, туронғил, юнғил, ёввойи тол каби дарахтлар, ширин мия, оқбўш, шувёқ, қамши, қизилқеёқ, янтоқ каби ўсимликлар ўсади. 800 гектар ўрмон ва тўқайзор-ларнинг ўн гектари мада-ний ўрмонзорлардир. Ҳўжаликдан оқиб ўтувчи суҳ ҳавзаларида ҳар хил балиқ турлари яшайди.

Лекин ҳўжалик ҳудуди-да боқилаётган бехисоб қўй ва қўрамоқлар энг аввало, жўжа очиш арафа-сида тухум босиб ётган кирғовулларни безовта қилиб, айрим ҳолларда ту-хумлари ва ҳўжаларининг нобуд бўлишига олиб кел-моқда. Қўлаверса, бу ерда

ўсадиган экин ва табиий ўтлоқлар шу ердаги қўш-лар учун ҳимоя воситаси, уя ва озуқа ҳисобланади. Бундан ташқари, назорат-сиз чорва моллари боқиб юрган одамлар ўт ёқиб, ноёб ўсимлик дунёсига зиён етказмоқдалар. Ўтган йили қўз фаслида ҳўжалик-нинг 7-Пусатов бўлимида жами 100 гектар тўқайзор ёқиб юборилди ва табиат-га 300 минг сўм зарар ет-казилди. Худди шундай қонунбузарлик ҳолатлари 2004 йилда тақририй со-дир этилган аниқланди. Чунончи, 2004 йил 6 май куни кирғовул қўлайири-ладиган ҳудудда ҳали ма-киён товуклар тухум босиб ётган даврда 30-40 бош от уюрлари уларнинг тинчи-ни бузиб, назоратсиз ўтлаб юрган. Ж. Абдулла-ев бошқарилган 5-шол-корлик бўлими ишчиси Му-род Ҳасанов ариқ тозалаш мақсадида қуриган қиёқларга ўт қўйиб, 0,2 гектар майдонни ёқиб юборгани, 5 май куни эса Зиводулло Усмонов 18

бош қўрамоқлар рухсат-сиз боқиб юргани, Ол-маликдан келган икки нафар дайди овчи Ўзбекистон Республи-каси «Ўсимлик ва ҳай-вонот дунёсини муҳофа-за қилиш тўғрисида»ги Қонун талаблари ва ов қилиш қоидаларини буз-ганлиги аниқланди.

Кейинги йилларда олиб борилган кузатувлар ва тўпланган тажриба айрим жонивор ва паррандалар-ни вилотиимизга олиб кел-иш ва иқлимлаштиришда етти ўлаб, бир кес деган ҳалқ мақолига амал қилиш зарурлигини кўрсатмоқда. Фикримизнинг далили си-фатида айрим мисолларни келтирмоқчимиз.

Ўтган асрнинг 60-йилла-рида Афғонистондан кел-тирилган майна қўшлар на-зоратсиз қўлайиб, бугунги кунда ўсимлик ва дарах-тлардаги зараркундалар-ни тозаловчи санитар қўш-лар — қизилшотон, сассик-попишак, читтак, сава, қарқуноқ ва бошқа парран-даларнинг қамайиб кети-шига сабаб бўлди. Балиқ ҳўжаликларидан судак ва илон балиқ каби йиртқич балиқларнинг боқилиши натижасида барча сув ҳав-заларида уларнинг сони қўлайиб, ўтхўр балиқлар-нинг кескин қамайишига олиб келмоқда.

Бизнингча, овчилар ва ўрмон ҳўжаликларидан та-биатни муҳофиза қилиш ишларини пухта йўлга қўйиш ва қонун талаблари асосида назорат ишлари-ни қайтадан тиклаш учун уларни табиатни муҳофа-за қилиш қўмиталари та-сарруфига ўтказиш мақ-сада мувофиқ бўлур эди.

Абдумутал АБДУХОЛИҚОВ,
ВИЛОЯТ ТАБИАТИ МУҲОФИЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ МАХСУС НОЗИРЛИГИ БОШЛИГИ.

Тошкентда кичик миқёсдаги ижтимоий лойиҳаларни молиялаштириш бўйича навбатдаги грант шартномалари имзоланди.

Ижтимоий лойиҳалар учун

Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ёрдамида иқтисодиёт, кишлоқ ҳўжалиги тармоқлари, шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларида илмий-техникавий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича кунчиқар мамлакат ҳукумати ажратган грант шартномалари имзоланиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Кичик қўламдаги ижтимоий лойиҳалар бўйича Япония ҳукумати ажратаётган грантнинг умумий миқдори 364 минг 971 АҚШ доллари ташкил этади. Ушбу бегараз ёрдам ҳам мамлакатимиз таълим соҳасини ривожлантиришга йўналтирилди. Ажратилаётган грантлар Тошкентдаги 241-, 107-мактаблар, шунингдек, Тошкент банк коллежи-нинг моддий-техника базаси-

ни яхшилашга сарфланади. Молиявий лойиҳанинг бир қисми эса Фаргона вилоти-нинг «Риштон» ёшлар маркази ҳамда «Моҳларойим» аёллар ва ўсмирлар республика ўқув-амалий маркази фаолиятини ривожлантиришга қаратилган.

Япония ҳукумати Ўзбекистон билан соғлиқни сақлаш тизимида амалий ҳамкорлик-ни йўлга қўйиш мақсадида ушбу соҳага йўналтирилган молиявий қўмак ҳам ажратди. Салкам 90 минг АҚШ доллари миқдоридagi грант Тошкент трактор заводининг тиббиёт-санитария бўлимини зарур асбоб-анжомлар ва дори-дармонлар билан таъминлашга ишлатилди.

Алоуддин ҒАФФОРОВ,
«Туркистон-пресс».

Телефон тармоғи замонавийлаштирилмоқда

«Тошкент шаҳар телефон тармоғини замонавийлаштириш ва реконструкция қилиш» лойиҳасини амалга ошириш ишлари давом этмоқда.

Унинг доирасида АТСлардаги ускуналарни алмаштириш, Тошкент шаҳри транспорт халқасини кенгайтириш мақсадида замонавий узатиш тизимини ҳамда тармоқни ривожлантириш ва истеъмолчиларга янги хизмат турлари кўрсатиш учун фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ускуналарини ўрнатиш кўзда тутилган.

Лойиҳани амалга ошириш учун йил бошида тендер эълон қилинган эди. Унда Huawei Tech Co Ltd (Хитой), Германиянинг Alcatel ва Siemens каби компаниялари иштирок этди. Танловда энг мақбул таклифи

берган биринчи компания ютиб чиқди. Яқинда «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси ва Huawei Tech Co Ltd шартнома имзолашди. Унга қўра Хитой томони Ўзбекистонга қиймати 4 миллион АҚШ долларига тенг умумий сийғими 100000 порт бўлган замонавий ускуналарни етказиб беради.

«Ўзбектелеком» АК хитойлик бошқа бир ҳамкор — «ЗТЕ» корпорацияси билан ҳам шартнома имзолашди. Унга мувофиқ грант ажратган корпорация Ўзбекистонга энг замонавий коммуналция ускуналарини етказиб беради.

В. НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.



Россия компаниялари учун кредит линияси



Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки «Осиё-Инвест» акционерлик-тижорат банки (Россия) учун 60 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит линиясини очди.

Миллий банк матбуот хизматининг берган маълумоти-га қўра, банклар ўртасидаги шартнома Москвада иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Россия ҳукуматлари-ро комиссиясининг мажлиси давомида имзоланди.

Кредит линияси маблағ-лари Ўзбекистондан товар ва хизматлар, шу жумладан автомобиллар, саноат уску-


налари, тўқимачилик, кишлоқ ҳўжалиги маҳсулот-лари ҳамда бошқа ноҳомашё товарларни импорт қилаёт-ган россиялик тадбиркор-ларни молиялашга йўналти-рилади. Танланган ресурс-ларни қайтариш муддати бир йил, фойз ставкаси эса ўзгарувчан бўлиб, шартнома тури ва қийматида қараб белгиланади.

XXI аср — нанотехнологиялар даври

Бундан бир неча йил аввал қўзғалмоқда кўринмас бактерия ҳажмидаги квант компьютерлари ҳақида фақат фантастик фильмлардагина эшитиш мумкин эди.

Бугунги кунда эса дунё олимлари амалга ошириб бўлмайдигандек туюлган ушбу гоё устида жиддий иш олиб бормоқда. Бундай ас-обларни яратиш замонавий физиканинг муаммоларидан биридир. Пойтахтимиздаги «Гранд-Мир» меҳмонхонаси-да бошланган «Линиясиз ди-намика ва фундаментал ўзаро алоқадорлик» мавзу-идаги халқаро илмий конфе-ренция ана шу муаммолар муҳокамасига бағишланган.


Тадбир Ўзбекистон Рес-публикаси Вазирлар Маҳ-камаси ҳузурдаги Фан ва технологиялар маркази, Ўзбекистон Фанлар акаде-миясининг иссиқлик физи-каси бўлими ва БМТ Илмий қўмитаси қўмағида ташкил



этилди. Бир ҳафта давом этадиган мазкур анжуман-да 16 мамлакатдан, шу жумладан, Австрия, Брази-лия, Буюк Британия, Гер-мания, Исроил, Италия, Канада, Россия, АҚШ, Франция, Жанубий Корея-дан олимлар иштирок эт-моқда.

Халқаро анжуман

Ўзбекистон Фанлар академияси Сейсмология илмий тадқи-қот институтида сейсмик хавф-хатарини баҳолаш ва элимина-ти олдидан айтиб беришда илм-фан эришаётган узуқулар-нинг аҳамиятига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.



Унда АҚШ, Франция, Рос-сия, Украина ва Марказий Осиё мамлакатлари олимла-ри, тегишли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакил-лари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон

Фанлар академияси акаде-миги Файзулла Усмонов, Сейсмология институти ди-ректори Қаҳҳор Абдуллабе-ков, АҚШнинг Калифорния штатидаги табиий офатлар-ни ўрганиш махсус лабора-тория бўлим мудири Айлин Вержино, Россия Фанлар академияси Ер физикаси институти директори ўринбо-сари Юрий Кузмен ва бош-қалар сейсмология фани эришаётган узуқулар халқ ҳўжалигининг турли соҳала-ри, хусусан, шаҳарсозлик ри-воҳида муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Инсон ҳуқуқлари таълими: Тажриба ва истиқбол

Тошкент шаҳридаги Халқаро бизнес марказида «Ўзбеки-стон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим: таж-риба ва истиқбол» мавзусида икки кунлик халқаро конфе-ренция бошланди.

Бирлашган Миллатлар Таш-килотининг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ўн йиллиги (1995-2004 йиллар) юқуларни-га бағишланган ушбу тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбе-кистон Республикаси миллий маркази, БМТДнинг «Тарақ-қиёт йўлида қўмақ» дастури ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссияси бошқармаси-нинг минтақавий лойиҳаси то-монидан ташкил этилди. Ан-жуманда Ташки ишлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Ички ишлар вазирлик-лари, Бош прокуратура, Адво-



катлар ассоциацияси, бошқа вазирлик ва муассасалар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Патент — ихтиро ҲИМОЯЧИСИ

Тошкентда Республика давлат патент идораси ҳамда Евро-па патент ташкилоти ҳамкорлигида экспертиза ўтказишнинг баъзи жиҳатлари юзасидан семинар ўтказилди.

Маълумки, патент яратил-ган ихтиро келгусида маълум бир соҳа ривожини таъмин-лай олишига аниқ ишонч ҳосил қилинганда сўнгги-на берилади. Фан ва техно-логияларнинг ривожланиб бориши, жаҳонда ихтиролар сони тез суръатларда ўсиб бораётган жараёнда ихти-рочи ўзи яратган янгилигини ҳуқуқий томондан кафолат-лаши зарур. Айтиш кераки, баъзан ихтирога айрим қўшимчалар киритилиб бош-қалар томонидан муаллиф-лик ҳуқуқини ўзлаштириб

олиш ҳоллари ҳам кузатила-ди. Шу каби нохушликлар-нинг олдини олишда патент экспертизасини ўтказиш му-ҳим аҳамиятга эга.

Ўтган йиллар давомида Давлат патент идораси то-монидан олти мингга яқин ихтирога патент берилди. Идорага йилга мингдан ортиқ талабнома келиб ту-шади. Семинар иштирокчи-лари соҳага доир муаммолар-ни бартафоз этиш юзасидан ўзаро фикр алмашишди.

«Туркистон-пресс».

● Ийд-Рамазон муборак!

РУҲАН ВА ЖИСМОНАН
ПОКЛАНИШ ОЙИ


Бисмиллаҳир раҳмонир роҳим.

Асрлар оша ўз қад-қиммати йўқотмаган раўзи рамазон ойи яна юртимизга қадам ранжидат этмокдалар. Яратганга шукрлар бўлсинки, Ватанимизда ана шу саодатли кунлар ибодатини бажариш учун барча имкониятлар яратилган бўлиб, истиқлолимиз берган ушбу нозимнинг қадрига етмоқ унинг шукрини бажо келтирмоқ ниятда савобли ишдир. Ислол оламида рамазонни шариф муборак ойларида бири ҳисобланиб, ойланинг султони ва энг улуғдир.

Рўза тутишнинг диний нукта назардан нечоғли афзал ва савобли экани ҳақида юртимиз фуқароларининг муайян тасавури бор. Бу борада бизнинг илмимиз ҳаминқадар эканини тан олган ҳолда рўзанинг тиббиёт нуктаи назаридан нечоғли афзалликлари ҳақида тўхталашга ҳаракат қиламиз.

Рўза тутиш эс-хуши бутун, соғ бўлган, бағоят ёшга етган ҳар бир муслмонга фарз қилинган бўлиб, қўйилмаган эса рўза тутмаслигининг узри сабабларидан ҳисобланади: инсон касаллигининг кучайиши ёки тузалашининг кечикишидан қўрқса, сафарда бўлса, аёл киши ҳомиладар, эмизиқли, ҳайоли нифосли ҳолатда бўлса, қариб ҳолдан тойдан кекса киши, сурункали дардга мубтало бўлиб, йил бўйи саломатлигига тўғри келмаса.

Хар 12 ойнинг бирида узлуксиз ишлаб турган оғдат ҳазм қилиш аъзоларининг 12 соатдан ортиқ ишлашдан тўхтаб



туриши маъносидаги рўза вужда фойда келтириши ва уни турли ҳасталиклардан сақлаши тиббий жиҳатдан яхши усул эканлиги исбот талаб қилмайди. Олим ва табибларнинг таъкидлашича, вужуд бир ойда тубдан ўзгарган бир таъминот тартибига мослашадди, ҳасталик қарши қобилият ортади ва ҳоказо. Оқлик билан довласи усулини қадимги машҳур табиблар Гиппократ, Абу Али ибн Сино ва бошқалар ҳам қўллашган. Мисрлик олим Муҳаммад Жаъфар, Туркия олимлари Саид Нурид, Холук Нурбокий, Канон Дилдор, Зоҳид Қўтқунинг «Рўза ва саломатлик», «Рўза — рух шифоси», «Рамазон рисоласи» ва бошқа асарлари қизиқарли ва диққатга сазовордир.

Рўзанинг солиққа фойдаси тўғрисидаги маъналар жуда кўп бўлиб, саксониялик шифокор Ханри Лакман, россиялик Ю. С. Николаев ва бошқалар ҳозирги кунда кенг тарқалган 30

та яқин касалликларни рўза тутиш билан даволамқдалар. Рўзанинг қон ишлаб чиқарилишини қўлайитириш ва рақ касаллигининг ўсишини сўсайитириши каби омиллари олимлар тақрибасида ҳам исботланган. Олим ва шифокорларнинг олиб бораётган изланишлари, тақриблар шунини кўрсатадики, доридармон билан тузалмайдиган беморлар агар рўза тутсалар ёки парҳез таомлардан истеъмол қилиб, ўзларини парвариш қилсалар, тез шифо топадилар.

Бу борада баъзи фойдали маслаҳатлар:

1. Сахарликда ва ифторликда оғиз очилган оқсидан бирикми хил хўл мева ёки сазавот тановул қилиш кони фойдадир.
2. Сахарликда енгил, витамин ва минерал моддаларга бой, қувватбахш таомлар меъёрида истеъмол қилинган маъжук (шакарли нон ва бошқа талқонлар, асал, туршак чой, сариёғ, қаймоқ, сутли ва бугда пиширилган овқатлар).
3. Ифторликда кун давомида оқ юриб, бирданига кўп ва кучли (ёғли, гуштли, ҳамирли, қовурилган) овқатларни ёйиш кони зарар.

Хурматли юртдошлар, Оллоҳ барчамизга рамазон ойини эсон-омонлик, тинч-тотувилик, хурсандчилик билан қўйиб олиб, ҳамдамлик билан ўтказишлигини насиб этсин. Сиз азияларга рўҳиди ҳидоят, инсофу тавфиқ, ишларингизга омад, баракот, ўзларингизга ва оила аъзоларингизга аймон, эътиқод, қомиллик, бахт-саодат тилаймиз.

Сафар МУҲАММАДИЕВ,
тиббиёт фанлари номзоди.

РЎЗА НИЯТИ (Оғиз ёпиш) дуоси

Навайту ан асума совма шаҳри рамазони минал фажри илал мағриби холисан лиллаҳи таъала.

Яъни: Рамазон ойининг рўзасини субҳдан кун ботгунча тутмоқликни ният қилдим. Холис Оллоҳ учун.

ИФТОРЛИК (Оғиз очиш) дуоси

Оллоҳумма лака сўмту ва бика аманту ва аълайка таваккалту ва ъала ризқиқа афторту.

Яъни: Эй, Оллоҳ, ушбу рўзани фақат Сенинг учун тутдим ва Сенга имон келтирдим. Сенга таваккал қилдим ва берган ризқинг билан ифтор қилдим.

РАМАЗОН ОЙИ ТАҚВИМИ

Рамазон кунлари	октябрь ноябрь	Хафта кунлари	Сахарлик туғаш	Ифтор вақти
1	15	жума	4-55	17-44
2	16	шанба	4-56	17-42
3	17	якшанба	4-57	17-41
4	18	душанба	4-58	17-39
5	19	сешанба	4-59	17-38
6	20	чоршанба	5-00	17-36
7	21	пайшанба	5-01	17-35
8	22	жума	5-03	17-33
9	23	шанба	5-04	17-32
10	24	якшанба	5-05	17-31
11	25	душанба	5-06	17-29
12	26	сешанба	5-07	17-28
13	27	чоршанба	5-08	17-26
14	28	пайшанба	5-10	17-25
15	29	жума	5-11	17-24
16	30	шанба	5-12	17-23
17	31	якшанба	5-13	17-21
18	1	душанба	5-14	17-20
19	2	сешанба	5-15	17-19
20	3	чоршанба	5-17	17-18
21	4	пайшанба	5-18	17-16
22	5	жума	5-19	17-15
23	6	шанба	5-20	17-14
24	7	якшанба	5-22	17-13
25	8	душанба	5-23	17-22
26	9	сешанба	5-24	17-11
27	10	чоршанба	5-25	17-10
28	11	пайшанба	5-26	17-09
29	12	жума	5-27	17-08
30	13	шанба	5-29	17-07

Тошкент вақти билан тафовут (дақиқа ҳисобида)

Аввал: Андижон-13, Жамбул-2, Наманган-9, Термиз-2, Хўжанд-4, Фарғона-12, Қўқон-8, Ўш-15, Бекобод-4.

Кейин: Бухоро+16, Гулистон+1, Жиззах+4, Навоий+14, Нукус+42, Самарқанд+5, Тошқовуз+40, Туркистон+12, Урганч+37, Хива+37, Чимкент+3, Қарши+8, Денов+7.

Изоҳ: рўзанинг бошланиши Ой қўринишига қараб бир кунга фарқ қилиши мумкин.

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ●

Ирода кучли
Теннисчини енгди

ниятни бой бериб, мусобақани тарқ этишга мажбур бўлди.

Шунингдек, биринчи давра баҳсларида россиялик ракетка усталари — Евгения Линецкая Осиевнинг энг кучли теннисчиларидан Тамарин Танасугарини (Таиланд) 6:4, 4:6, 6:0 ҳисобида енгган бўлса, Екатерина Бичкова хорватиялик Силвия Талайга ҳеч қандай имконият қолдирмади — 6:1, 6:4.

Аранта Парра Сантоня (Испания) ҳамда Мара Сантангелонни (Италия)

(Давоми. Боши 1-бетда).

ўзаро баҳси ҳам кескин курашларга бой бўлди. Ушбу беллашувда испаниялик теннисчи 6:3, 1:6, 6:4 ҳисобида устун келди.

«Тошкент опен» ҳалқаро турнирининг жуфтлик баҳслари ҳам кўпчилик муҳлисига эътиборини жалб қилмоқда. Мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган Оқгул Омонмуродова ҳамда Иванна Исроилова биринчи босқичда украиналик Катерина ва Валерия Бондаренко жуфтлиги 6:3, 6:2 ҳисобида имкониятни бой берди. Жуфтлик баҳсларида иштирок этган яна

бир оилавий дуэт — Андриана ва Антонелла Серра Занетти (Италия) беларуслик — Дария Кустава ҳамда Татьяна Пучек жуфтлигини 6:4, 6:1 ҳисобида енгди.

Украиналик Олена Антипина беларуслик Екатерина Ахнаевич билан бирга Анна Кремер (Люксембург) ҳамда Антония Матик (Германия) жуфтлигини 6:3, 7:5 ҳисобида енгди, кейинги босқичга кўтарилди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Қаҳрамон ҚАРШИЕВ,
ЎЗА мухбирлари.

«Аранчи»да
навбатдаги беллашув

Ўртачирчиқ туманидаги Миллий авиация спорт клубининг «Аранчи» аэродромда ракетамодел буйича мамлакат бичирчилиги бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташиқоти ҳамда Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ташаббуси билан ушбу

тирилган ушбу мусобақада қарийб 80 нафар спортчи ўз маҳоратини намойиш этди.

Унда самарқандлик Фарход Боқиев, бухоролик Алексей Сафин,

Гулистон шаҳридан Игорь Ибрагимов ҳамда пойтахтлик Константин Болохонов ўз йўналишлари бўйича голлибликни қўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин сирдарёликларга насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларга Бухоро ҳамда Самарқанд вилояти ракетамоделчилари сазовор бўлди.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.

Тошкентда
Индонезия
киноси

Тошкентда Индонезия кино ҳафтаси бошланди. Тадбир Индонезиянинг Ўзбекистонда элчихонаси ҳамда Ўзбекистон дўстлик жамиятлари кенгаши томонидан уюштирилди.

— Кино ҳафтаси элчихонамиз Ўзбекистонда иш бошлаганининг ўн йиллиги ҳамда Индонезия Республикаси Мустақиллик кўнига бағишланади, — деди маросимда сўзга чиққан Индонезия республикасининг мамлакатимиздаги Факулдада ва мухтор элчиси Хошим Солих. — Шу кунларда тошкентликлар эътиборига бешта фильм ҳавола этилади. Улардан учтаси комедия ва биттаси мусиқий драма ҳисобланади. Маъзур асарларнинг ҳаммаси ёш режисёрлар томонидан суратга олинган бўлиб, улар ҳалқимизнинг бугунги кундаги ҳаётини ҳисоб қилади.

Х. Солих ўз фильмларини кўриш Индонезия халқининг турмуш тарзини яқиндан билиш имконини беради, деб таъкидлади.

Ҳафтлиқ давомида пойтахт томошбинлари Индонезия киносанъаткорлари суратга олган «Агар у бўлганида», «Ўттиз кун муҳаббат излаб», «Юндзлар рақсга ташаверсин», «Муҳаббат ва итот», «Эйфель минорасини севиб қолдим» каби фильмларни кўришлари мумкин.

Н. ДЕВЛИСУПОВА,
«Туркистон-пресс».

Бўқизиқ

КУНИГА ҚАНЧА
СУВ ИЧИШ КЕРАК

Бу, аввало, яшайётган минтақа ҳавосининг ҳароратига боғлиқ. Аслида инсон танасида сув меъёрида бўлиши учун ҳавонинг ўртача ҳарорати +21 бўлганида бир ярим литр сув киёф қилади. Агар ҳарорат +26 бўлса, 1,9 литр, +32 даража бўлса, 3 литр етди. Бунга сув, шарбатлар, суяқ таомлар, мевалар ва сазавотларнинг таркибидagi суяқлик ҳам қиради.

Сув танага фақат ташқаридан қирмай, у овқатни ҳазм қилиш давомида ҳам ҳосил бўлади. Масалан, 100 грамм ёғ 107 грамм, 100 грамм қарбон сувлар ёки оқсиллар тегишлича 35 ва 41 грамм сув беради.

Киши оғир иш қилмаса ҳам сув сарфи анча кўп бўлади.

Икки йилу тўрт ой узлуксиз олиб борган изланишларим юз саксон деб қорғозга жой бўлиб, унда қўйинларимиз қуролланган ҳарбий техника турлари, қурол-аслаҳа қўшин анжолларини вертолётларда ташиш усуллари батафсил ёритилган эди. Илмий ишнинг саҳифаларида қайси техникани қандай вертолётда, қандай усулда олиб, қандай тезликда бехавотир ташилиши мумкинлигини, вертолётларнинг учиб тартибига топоғарфи шартлар, ҳаво намлиги иқлим иссиқлигининг таъсир даражалари кўрсатилган бўлиб, бундай шартларда вертолётларни бошқариш усуллари баён этилган эди.

Ишимни махсус почта орқали Москвага юборган, тин оламан деб ўйлаган эдим. Аслида эса бунинг тескариси бўлди. Юрагим така-пука бўлиб, дилимни қандайдир ғашлик эггалди. Азбаройи қўйғанимдан сочимга оқ оралаб, касалга чалиндим. Орадан ойлари ўтиб кетса-да, Москвадан хабар йўқ эди. Коченов бўлса, учрашганида мени юпатиб:

— Хабар йўқлиги яхши! Агар ишингиздан норози бўлишса, сизни ер остидан бўлса ҳам топишар эди! — деди.

1960 йилнинг февраль ойи ўрталарида авиаконструктор М. Миль менга хат йўллаб, қилган ишларим юзасидан маъруза қилгани Москвага аллақандай махсус кенгаш йиғилишига етиб келишимни сўради. Бу махсус кенгаш нима эканлигини ТошПИ раҳбарияти ҳам, ДХК ходимлари ҳам аниқ тушунириб бериша олмади. Элликлан ортиқ чизмани ўраб, ўн арақли маъруза матни билан Москвага келдим. Мендан беш-олти ёш улугроқ бўлган Маврийский деган одам ўзини ЦАГИ марказий аэродинамика институтининг катта илмий ходими деб таъиништирган, маърузамга тегишли барча ташкилий ишларни ўзи бошқарди. Н. К. Жуковский номли музейда йиғилган махсус кенгаш ролпа-роса ўнда бошланди. Унга Москва авиация институтининг ўша пайтдаги ректори, росмана уцадиган вертолётлар турини дунёда биринчи бўлиб яратган машҳур профессор И. П. Братухин раислик қилди. Менга сўз бераётганида:

— Кейинги йилларда вертолётлар соҳасида олиб борган салмоқли илмий изланишларининг натижаларини эътиборимизга етказиш учун сўз ўрта осиёлик ҳаммасимизга берилади, — деди профессор ёқимли жимлайиб ва мендан:

— Нутқингиз учун азизим, сизга неча дақиқа керак? — деб сўради. Мен «кирк дақиқача», деб жавоб қилсам, ҳамма ёққа илинган барча

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

чизмаларимга бир назар ташлаган профессор:

— Биз докторлик диссертацияларини муҳокама қилганларимизда, одатда нотика ўн-ўн икки дақиқа вақт берамиз. Аммо жуда қизиқ маъруза бағишланган ишнингизни тинглаш учун сизга ўн саккиз дақиқа кифоя деб ўйлайман, — деди олим чўрт кесиб.

Бор фикрларимни бундай оз вақт ичиди, албатта тўла ифода қилолмадим. Лекин эркин ва раво сўзла-

авиация соҳасидаги «махсус кенгаш» эканлигини, маърузамни тинглаш учун эса номлари ҳақонда машҳур бўлган А. Туполев, Илюшин, Антонов, Яковлев, Миль, Камов, Братухин, Гельфондбейдек авиаконструкторлар ва назоратчи олимлар бўлганини ўша кенгаш протоколи билан билим. Аттестация комиссиясининг қотиби қўлимга докторлик дипломининг ўттиз йил кечикиб бўлса ҳам топширар экан, бир хўрсиниб деди:

МУТЛАҚО
МАХФИЙ
(Воқеий қисса)

дим. Кенгаш қатнашчилари томонидан роса саволлар ёғилди. Тортишувлар бўлди. Кўпчилик меннинг изланишларим ниятда қизиқарли, ўзига ҳос услубда ва қўтиллаган натижалар берганини тасдиқлашди. Сўнгра профессор Братухин мендан ташқарига қийиб туришимни сўради. Ташқарида бир сигаретани чекиб тутатмасимданок, Маврийский қийиб, мени ичкарига тақлиф қилди. Мен жойимга ўтирган, профессор И. Братухин махсус кенгаш аъзолари бир қарши овоз билан менга техника фанлари доктори илмий даражасини берганини эълон қилди. Шунда залда ўтирган Рига авиация институтининг профессори Гельфондбей ўрнидан турди:

— Биз йиғилган докторлик даражасини бердик, — деди захарханд таъзиясини кўрмадик. Диссертация қани?

Профессор И. Братухинга бу луқма гап ёқмади ишқили, ранги ўзгарди кетди. У ўзини босиб, шундай деди:

— Диссертация Вьетнамда! Жанг қилмоқда!

Братухиннинг ҳозиржавоблигига ҳамма қийил қилиб, қарсақ қилиб, фикрини маъқуллашди.

Орадан қарийб ўттиз йил вақт ўтгандан кейингига мен, ўшанда маъруза қилган кенгаш олий аттестация комиссияси қошидаги ёпик

— Афсуски, бундай салобатли махсус кенгашлар энди йўқ бўлиб кетди. Шундай машҳур шахслар олдида диссертация ёқлаганман деб, гурурлансангиз арзийди!

5. ЙЎЛҚАН ВЕРТОЛЁТ

Фаолиятимда қўпична шундай муаммоларга дуч келганманки, улар ҳарбий стратегик ёки ҳалқ ҳўжаллиги соҳасида долзарб бўлишдан қатъи назар, бу муаммоларни ечиш учун чукур илмий изланишлар, амалий тақриблар орқали синаш ишларини ўтказишга вақт берилмас эди. Масала қийилган замон, шу ондаёқ ҳал этишга қирришиш лозим бўлиб қоларди. Чўнки тарозининг бир палласига инсон ҳаётининг ҳавфсизлиги қийилган бўлиб, унда ҳар бир соат, ҳар бир дақиқа ғанимат бўларди. Масалан, Тошкент зилзиласи пайтида шахар ичидаги қўп завод-фабрикаларнинг қувурлари шикастланган бўлиб, улар атрофдагиларга қўшимча ҳавф манбаи бўлиб қолган эди. Шунда шахар мазмунрияти мени чақириб, вертолётлар ёрдамда хатарли қувурларни олиб ташлаб, лозим бўлган ерларда — уларни тиклаб, таъмирлаш ишларининг технологиясини ишлаб беришни авиаторларга топширган. Ушбу технологиянинг яратилиши, турли формулалар ва ҳисоб-китоб ишларимга ўн кўнгина муҳлат беришган эди. Вазифани муддатда бажариш учун туналари ухламай ишладим. Юзим ёруғ бўлган. Бу техно-

лодия билан шахардаги 22 та қувур олиб ташланиб, 30 га яқини таъмирланган. Ҳамма ишларни бажариш учун эса икки иш кўнгина кифоя бўлган, холос. Шўниси қизиқки, шу ишлар юзасидан кейинчалик диссертация ёқлаган аспирант Ш. Устеновга диссертация ёзиши учун ўн йил ҳам озлик қилган.

1968 йил 4 март кўни эрталаб менга қўнғироқ қилиб, ўзини гидрометеорология марказидан Данилов-Данилян деб таништирган одамнинг

олдимга қўйган масаласи ҳам ана шундай жадаллик талаб қиладиган ишлардан эди. Унинг қистовига қўра, Тошкент атрофидаги тоғ чўққиларидан бирида қурилатган муҳим объектга тўртта юк тезлик билан етказилмаса, Иттифок аҳамиятидаги дастур барбод бўлиб, қўп раҳбарларнинг бошида таёқ синиши аниқ эди. Манзилга юк фақат вертолёт ёрдамида етказилиши мумкин. Чўнки автомобил транспортини йўлнинг тўртдан бир қисмига ҳам қўтарила олмади. Менинг розилигимни олган, Данилов-Данилян 5 май кўни эрталаб уйимга келадиган машина рақамини айтиб, мен билан ҳайрландим.

Бу ишга аспирант Х. Назаровни аралаштиришни лозим топдим ва унга хабар қилдим.

— Домла, фотоаппарат олсам майлими? — деди Хўсиддин сафардан хўрсанд бўлиб.

— Олақолнинг, аммо қалинроқ киёинишни унутман! — дедим мен тоғ бағрилариди қор жуда қалинлигини эътиборга олиб.

Метеорологларнинг Бўрчмулладаги вертодромига етиб келганимизда соат ролпа-роса тўққиз эди. Майдончада турган Ми-4 вертолётли олдиди ивириб юрган ўч-тўрт одам машинани ўчишга ҳозирларди.

— Борисов! — деб, ўзини таништириди ёши қирқлардан сал ошган кема сардори.

Унинг ўн бетидидаги чандиқ юзини янада иродали, матонатли қилиб кўрсатарди. Бу вертолётнинг барча ҳаракатлари ўзини тутишидан, у метеорологларнинг буюртмасини бажариш билан анчадан бўён шуғулланиши, қўпчилик билан апоқ-чапоқлиги ва ўрта Осиёнинг барча бурчакларига ўчиб юрганлиги қўпичи турарди.

Зудлик билан ташилиши лозим бўлган юки менга кўрсатишганида озғим очилиб қолди. Чўнки менга номаълум бўлган аллақандай ўта пишик пўлатдан қўйилган, узунлиги 10 метри швеллер устун бўлиб, учиди махсус қаваклари ҳам бор эди. Бу тўртта устуннинг иккитаси 1305, қолган иккитаси эса 1340 килоли вазнда эди. Борисов номоғрамма чизикларига меннинг эътиборини тортиди. Унда қалам билан белгиланган чизик 1080 рақамини кўрсатарди. Яъни, биз турган майдоннинг жүрғорди ва иқлимий шароитида вертолёт ташқи осмасида фақат 1080 килодан кам бўлган юкигина қўтара олар эди.

— Хўш, профессор, энди нима қиламиз? — деди Борисов менга муғомбир қўзларини тикиб.

Мен елка қисдим. Бошим қотган эди. Аллақерданбир нажот кутгандек, атрофга алангладим. Борисов эса, пинагини бузмай, вертолётга сўяниб олиб, мендан олимона фикр кутарди. Мендан эса сўраб қичмасди.

— Қўй, бошингни қотираверма? — деди Борисов, қўлидаги таёқча билан ерга икки вертолёт шаклини чизиб менга тушунтирди. — Ҳозир рақия орқали Шведердоев билан гаплашдим, бу устунларни иккита вертолётда олиб уцадиган бўлиб.

— Бунда қучли динамик силкинишга дуч келинади, — дедим мен, норозилик билдириб. — Бу эса тоғ шароитида ҳалокатнинг ўзгачаси. Шўнинг учун бу усулга қаршиман!

— Бўлмаса, бехатар йўлни топ! Сени ахир, олим сифатида юборишди-ку? Қани, энди билимингни кўрсат.

Муаммонинг ечимини тополмай, қаршимдаги тоғ ёнбағрига тикилганимча, уйга толдим. Шунда табиатнинг ўзи менга ечим йўлини кўрсатгандек бўлди. Тоғ бағридаги ёлғизоёқ йўл бўйлаб бир қ